

ТОШКЕНТ

Оқшом

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 244 (6.135)

1986 йил 23 октябрь, пайшанба

Баҳоси 3 тийми



Меҳнат зафарларимиз— Улуғ Октябрга!

Муваффақият мезони

Социалистик мусобақа ишчини меҳнат ютуқлари сари етакловчи муносиб омил. Тўқимачилик комбинати комсомол-ёшлар бригадалари ўртасида меҳнат беллашув яхши йўлга қўйилган. Корхонада социалистик мусобақа эврилиш мавжуд бўлиб, унда ҳар бир бригаданинг маълум вақт ичида қилган ишлари ҳам эътибор борилади. Утган ойда Анна Павловна Стекольников баччилик қилаётган ғалтакна ил ўраш цехининг ярим автоматлашган

участкиси комсомол-ёшлар мусобақа ғолиби деб топилди. Бригада коллективи меҳнатда фаоллик кўрсатгани, вақтдан унумли фойдаланиб, план ва социалистик мажбуриятларини ортиги билан бажарганлиги учун ҳам ана шундай ютуққа эришди. 12 оловқалб комсомол-ёшдан иборат бу бригада ускуналар самардорлиги планини нормадаги 108,9 процент ўрнига 121,2 процент бажаришга муваффақ бўлди.

Биринчи сорт учун топширилган маҳсулотлар кўрсаткичи 96,5 эмас, 99,9 процентни ташкил этди. Коллектив муваффақиятига бригаданинг Галина Адарева, Лобар Асқарова, Меҳри Жўраева каби ишчилари айниқса қўл келмоқда. «Мусобақани кенг қўлоқ ёйдирганда унинг энг биринчи қондасига: иш вақтини ишга бағишлаш кераклигига оғишмай роял этилишини таъминлаш керак» дейилади мурожаатномада. Бу эса коллективимиз ғайратшижоатини ошришда муҳим восита бўляпти.

Г. РИЗАЕВА.

Газчилар учун

Газ ва нефть қувурлари трассаларида беш йиллик охирига бориб вақтинча қурилган ёғоч қулбалар ўрни-

да сифатли уйлар пайдо бўлади. Йиғма турар-joyлар лойиҳасини «Узгипросельстрой» институтининг архи-

текторлари ишлаб чиқдилар. Бу лойиҳаларда яхши планлаштирилган уйлар қуриш кўзда тутилган. Лойиҳалар-

нинг яна бир афзаллиги шундаки, бу квартираларни бир неча соатда йиғиш мумкин. (ЎзТАГ).

ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

Оталикдаги хўжаликка

Сергелидаги мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари шу йилнинг бошида Тошкент областининг Ғалаба районидagi Ленинград колхозини меҳнаткашлари билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартнома имзолаган эдилар. Маълумки, бу хўжалик

асосан пахтачилик билан шуғулланади. Шунингдек, колхозда сабзавот ва боғдорчилик бригадалари ҳамда чорвачилик комплекси мавжуд. Мебелсозлар ҳар бир ишда — сабзавот ва боғмева маҳсулотларини йиғиб-териб олишда ёки чорвачи-

лик комплексини кенгайтиришда оталикдаги хўжаликка яқиндан ёрдам бериб келишяпти. Улар бу йил колхозга ҳаммаси бўлиб 20 минг сўмлик ҳар хил материаллар жумладан, тахта, фанер каби қурилиш анжомларини етказиб беришди.

Улар хўжаликнинг йигиртерим техникаси, ремонтда ҳам актив қатнашдилар. Яқинда мебелсозларнинг катта бир гуруҳи «оқ олтин» теримида қатнашиш учун колхоз далаларига жўнаб кетди.

«Оқ олтин» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 22 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)		
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — масвум бошидан бўён.		
Фарғона	1,23	90,85
Тошкент	1,90	86,36
Наманган	1,90	76,51
Сурхондарё	1,72	75,88
Сирдарё	1,84	74,67
ЎзБАСР	1,35	72,13
Хоразм	1,17	68,94
Бухоро	0,83	65,18
Андижон	2,04	60,74
Жиззах	2,07	58,35
Самарқанд	1,25	56,94
Навоий	1,14	47,04
Қашқадарё	1,02	44,23

Республика бўйича: 1,50 68,09

Дўстона ёрдам

Ҳозир мўл «оқ олтин» ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишга бел боғлаган азаматларнинг фикри-экири бугун кекадаги, эртага бугунгидан самарали меҳнат қилишга қаратилган. Бу ишда шахримизнинг барча корхоналари қатори тажриба-механика экскаватор-ремонт заводи ишчилари ҳам четда қолмаётган. Коллектив узоқ йиллардан бери дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бериб келади. Улар хўжаликлар-

да сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотларини йиғиб-териб олишда, дағал хашак жамағарда баконикил қатнашади. Пахта терими бошланиши олдиндан корхонанинг спесарлар бригадаси Жиззах област хўжаликлариди бўлиб, дала меҳнаткашларига терим машиналарини масвумга тайёрлаш ва ремонт қилишда яқиндан ёрдам бериб, Корхона узоқ йиллардан бери Сирдарё об-

ластининг Оқ олтин райониди 17-совхоз билан яқин алоқа боғлаган. Ҳар йили бу ерда корхонанинг тажрибали мутахассислари бўлишади. Хўжалик металл прокат ва керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаб келинади. Заводнинг 60 кишилик ремонтчилар гуруҳи поятхат областининг Бўка райониди «Кремль» совхозига жўнаб кетди. Улар «оқ олтин» йиғиб-териб олишда хўжалик

меҳнаткашларига ёрдамлашдилар. Ўз навбатида шаҳарлик ҳашарчилар учун хўжаликда мустақамлаш юзасидан қатор тадбирлар кўрилди. Булар ҳайдовчилик ихтисослигини ўргатиш бўйича тузилган ўқув

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 21 октябрь кунин М. С. Горбачев Кремлда Дания Бош министри П. Шлютер билан учрашди. Суҳбат ҳозирги замоннинг энг йиринг проблемалари юзасидан эркин, баъзида ўткир гаплашув тусида ўтди. (Суҳбат ҳақидаги батафсил ҳисобот бугунги тонгги газеталарда эълон қилинган).

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев амалий визит билан Москвага келган ЧНП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Яковин 21 октябрь кунин қабул қилди. М. Яковин КПССнинг СССРни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш йўлини ҳаётга тадбиқ этиш соҳасиди тажрибаси билан танишди.

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг тақдирига биноан КМП Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен 22 октябрь кунин дўстлик визити билан Москвага келди.

● «КПСС Марказий Комитетининг кўзбўйамчилиги ва қўшиб ёзишларга барҳам бериш ҳақидаги қарорларини Молдавия Компартияси Марказий Комитети, Украина Компартияси Кировоград област комитети, СССР Автомобиль саноати министрлиги қонқарсиз бажараётганликлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорнинг баёни тонгги газеталарда берилган.

ЖУРНАЛИСТНИНГ ЮКСАК ВАЗИФАСИ ВА БУРЧИ

Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорлари асосида республика оммавий ахборот ва пропаганда органларининг вазифаларига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилганлиги илгари хабар қилинган эди. Унда район, шаҳар, област, республика газеталари, журналлари, нашрлари, телевидение, радио, шу технологияни жорий этишда инсоннинг ролини кўрсатиб беришдан иборат. Ҳозирча матбуотимиз бу проблемани чуқур очиб бераётгани йўқ. Газеталар саифаларида қайта қуриш, жадаллаштириш сўзлари учраб туради. Бирок қўлдан кўп рақамлар, умумий сўзлар, раҳбар ҳодимларнинг ҳисоботлари тез-тез эълон қилинишни газетхон учун эрикарликдир. Бундай газета инсон қалбини тўқинлан-тирмайди, демак у ўз вазифасини бажармайди.

Кўпгина маҳаллий газеталар ҳамон ташаббускорлик, активлик, ўткирлик касб этишлари йўқ. Холбуки, муваффақиятлар ҳақида жар солиш мавриди эмас ва бундай қилиш зарарлидир. Аслида давлат маблаг ҳисобидан кун қураётган корхонанинг «ютуқлари»ни кўз-қўз қилиб ёзган «Правда Востока» газетасини «Правда» тўғри танқид қилди. Кўпгина журналистлар проблемаларга ишчанлик билан ёндашиб, принципалик ва партия-

радио ҳозирги пайтда «Меҳнат ва инсон» бош проблемасига бутун эътиборин қаратиш лозим. Ҳам эномина, ҳам бошқарув, ҳам планлаштириш, ҳам пул билан таъминлаш ва бошқа кўп масалалар шу проблемалар билан боғлиқ. Журналист инсон оқиллиги қаламга оладиган бўлса, унинг вазифаси технологияни тасвирлаб беришдан кўра, шу технологияни жорий этишда инсоннинг ролини кўрсатиб беришдан иборат. Ҳозирча матбуотимиз бу проблемани чуқур очиб бераётгани йўқ. Газеталар саифаларида қайта қуриш, жадаллаштириш сўзлари учраб туради. Бирок қўлдан кўп рақамлар, умумий сўзлар, раҳбар ҳодимларнинг ҳисоботлари тез-тез эълон қилинишни газетхон учун эрикарликдир. Бундай газета инсон қалбини тўқинлан-тирмайди, демак у ўз вазифасини бажармайди.

Кўпгина маҳаллий газеталар ҳамон ташаббускорлик, активлик, ўткирлик касб этишлари йўқ. Холбуки, муваффақиятлар ҳақида жар солиш мавриди эмас ва бундай қилиш зарарлидир. Аслида давлат маблаг ҳисобидан кун қураётган корхонанинг «ютуқлари»ни кўз-қўз қилиб ёзган «Правда Востока» газетасини «Правда» тўғри танқид қилди. Кўпгина журналистлар проблемаларга ишчанлик билан ёндашиб, принципалик ва партия-

вийлик ҳусусиятларидан маҳрум бўлиб қолганлар. Холбуки, газеталар партиянинг ёрдамчилари бўлишлари керак. Бошқа касб ҳодимлари каби журналистлар ҳам қайта қуришни ўзларидан бошлашлари, ишдаги консерватизмни, турмушга эскича ёндашувларини таътиб билан қўйиб ташлашлари лозим. Ҳозир — туб бурилиш даври, журналист эса оммавий партия кўрсатган йўлдан бошлаб борадиган кишидир. Айни вақтда унинг ўзи халқ тажрибасини ўрганиши керак. Халқ орасида турган ҳамма яхши тажриба ва ташаббусларни газетани биринчи бўлиб олиб олиши керак. Қайта қуриш давридаги тажрибанинг олтин зарралари бизга ҳаводек зарур, мана шу зарраларни қидириб топиш, тез қўллаб-қувватлаш, оммавий илгиллик сари сабот билан отлантириш лозим.

Меҳнаткаш мамлакатнинг ҳақиқий хўжайини эканини газетхон тушуниб олишга эришиш — журналистнинг бурчидир. Мана шу хўжайинлик тўғрисидаги матбуот халқ ҳам одамларга сингдира олмапти. Оммавийнинг сиёсий онглилигини ошириш коммунист-журналист ишчининг маъносидир. Шундагина биз экономикани юксалтира оламиз. Халқ мулкани эътиёт қилиб, унга ҳалол муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш — муҳим вазифадир. Техника

кадан фойдаланишга, унинг беқор туриб қоллишига бефар қаралаётганлиги ҳақида ўткир гаплар айтмасдан бўлмайди. Терим техникаси масвумга шай эмаслигини Қашқадарё журналистлари нахотки билмаган бўлсалар? Билганлар, аммо илдамий тураверганлар. Ҳозир Бухоро пахта теримининг аҳоли яхши эмас у ердаги хўжаликнинг оқибатлари алҳуми тортмоқдалар. Области ва район газеталари эса илгорлар ҳақида кетма-кет маҳаллар босиб чиқарган эдилар. Корхонанинг муваффақиятлари социал масалаларни ҳал этишга ҳеч таъсир қилмаётганга эътибор бермай туриб, шу муваффақиятлар ҳақида ёзиб бўладими, ахир? Бундай ёндашуви газетхон маъқуллар олмайдир. Раҳбарнинг меҳнат коллективига муносабати каби проблемани ҳам газеталар таҳлил этмаётдилар.

Иқтисодий масалалар уқувсизлик билан, юзакли ёритилаётганлиги — матбуотнинг катта нуқсонидир. Масалан, «Ахборот» телепрограммасининг авторлари социал, ғойий-сиёсий, тарбиявий проблемаларни очиб беришга дадил ёндашмаётганлиги, оиланинг ҳаёти, маишати, дам олиши ҳақида енгил-ели ҳикоя қилиб бермоқдалар. Буларсиз эса тўғри иқтисодий таҳлил ҳам қилиб бўлмайди. (Давоми иккинчи бетда).

ЛАБОРАТОРИЯ-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

ДОСААФнинг республика бирлашган техника мактабиде курсантлар билимининг янада мустақамлаш юзасидан қатор тадбирлар кўрилди. Булар ҳайдовчилик ихтисослигини ўргатиш бўйича тузилган ўқув

программасида ўз аксини топди. Техника хизмати бўйича жорий этилган қўшимча дарслар курсантларда қизиқини уйотди. Шунингдек, автомобильлардан фойдаланиш қондалари бўйича ҳам қўшимча би-

лим ва тушуналлар берили бошланди. Эндикда мактабда амалий ҳаракатдаги машғулотларга эътибор қуцади. Бунинг учун алоҳида лаборатория-амалий билимлар синфхоналари қурилди. Таълимнинг техника

воситалари ўзига кенг йўл топди. Машғулотларда телевизион аппаратлар ва видеомагнитофонлардан фойдаланилмоқда. Мактаб ҳузурида эса техника хизмати ҳамда машиналар ремонт пункти очилди.

Сатира агитбригадаси маҳалла меҳмони

қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети», «Хўжумкор атеизм учун» университети машғулотлари, «Аёллар баҳси» лекторийси, «Энг яхши она» конкурси каби бир қатор тадбирлар самарали бўлмоқда.

Утган кунин Октябр район партия комитети ташаббуси билан «Янги шаҳар» маҳалласи клубида биринчи марта ташкил этилган эскилик сарфитлари, дин-хурофотга, ичкиликбозлик ва алколизмга ҳамда меҳнатсиз даромадларга қарши курашга даъват этувчи сатира агитбригадасининг дастлабки чилкиши бўлди. Агитбригада

асосан Сатира ҳамда «Ёш гвардия» театрларининг истеъдодли артистларидан, райондаги бадиий ҳаваскорлик тўғрақларининг иштирокчиларидан ташкил топган эди.

«Совет кишилари ўтмишдаги ютуқлар билан қаноатланиб қолишни, эскичасига ўйлаш ва ишлашни хохламаётганлар, — деб таъкидланди Ўзбекистон Коммунист партияси Марказий Комитетининг III пленумида. — Улар социал адолат принципларини ва ахлоқий-хўжудлик нормаларини бузиш ҳолларига қарши, меҳнатсиз даромадларга, ичкиликбоз-

ликка, бошқа салбий ҳодисалар ва камчиликларга қарши чиқмоқдалар. Шу боисдан ҳам ана шундай сатира агитбригадасини тузишга қарор қилинди. Унинг мақсади юқорида айтилгандек, ҳаётимиздаги ярамас иллатларга қарши курашдан, янги анъаналарни тарғиб этишдан иборат.

«Янги шаҳар» маҳалла аҳли қалдирғоч агитбригаданинг дастлабки чиқишини зўр кўтаринки руҳ билан қарши олиди. Бригада аъзолари кичик соҳна асарлари оқли диннинг, ичкиликбозлигининг, порухўрликнинг, меҳнатсиз даромадга бери-



лишининг оқибатларини фош этиб ташлашди. Агитбригада ишга ривож

тилаймиз. Бундай кечаларин райондаги бошқа маҳалла-ларда ҳам ўтказиш шу кун-

нинг талабларидан келиб чиқади. Т. ТОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: сатира агитбригадаси билан учрашувдан лавҳалар.

Совет Иттифоқида хизмат қиламан!

Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи жангчиларининг иши қизибди. Улар ўқув йилини тугатлаб, жанговар ва сийёс таъбағарликда, юксак социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган ютуқлари тўғрисида ҳисоб беришмоқда.

Имтиҳон—

«аъло» баҳога

Радиолокация бўлимининг жаңгилари тинчлик пайтида ҳам давлат аҳамиятига молик муҳим жанговар вазифани бажардилар, ватанимиз ҳаво чегараларини қўриқладилар, лоқаторчилар жанговар маҳоратларини ошириб, кучга-куч қўшиб меҳнат қилдилар. Навбатдаги машқ, Сигналдан сўнг бир неча минут ўтмасдан қўриқчи пунктга ишга тайёрлик тўғрисида докладлар кела бошлади. Радиолокация станциясининг оператори ефрейтор Дмитрий Болотов биринчи-

лардан бўлиб доклад қилди. Станция ишга солиниб, экран ёритилган, ундан ҳаводаги вазият тўғрисида ҳисоб маълумот олинди. Ёш мутахассис қўллаб импульслар орасида «душман» самолётларини тезда пайқай олди.

Машқ раҳбари машгулот бошланишидан оқ жиддий вазият вужудга келтирди. Станция зонасида бир йўла бир қанча нишон пайдо бўлди. Боз устига уларнинг ҳар бири бошқа курс ва баландликда ҳаракат қиларди. Аралаш тўсиқлар ҳам қўлланилди. Станция экранни олдида эса штатли оператор эмас, балки дизелчи электромеханик ишларди. Ефрейтор Д. Болотов қўшимча мутахассислигини бўш вақти-

да ўзлаштириб олди. У ўқув йилининг бошланишидаёқ шундай мажбурият олган эди. Мана ҳозир жангчи жанговар наватчиликда турниш ҳуқуқи учун маъсулиятли имтиҳондан ўтмоқда.

— Ноль — биринчи. Азимут... узоқлик... — кабина қоронғилигидан хотиржам дадил овоз эшитилди. Нишонлар тўғрисидаги маълумотларни у аниқ, лўнда маълум қилиб туради. Бу эса бошқа жангчиларга шу маълумотларни ўз вақтида иш-лаб чиқиб, команда пунктга етказиб бериш имконини яратди. Бўлима командири планшетида осмондаги ҳақиқий вазият вужудга келди.

Ногоҳон нишонлардан бири ғойиб бўлиб қолди. Дастлаб ундан келатган белги хиралашиб борди, сўнгра эса биратўла йўқолди. Ефрейтор Д. Болотов дарҳол катта ўртқолларнинг масоҳатларини эслаб, баландлигини ўлчаб турувчидан нишон тў-

рисидаги маълумотларини сўради. Аниқланишча, «душман» самолёти кескин баландликда қўтарилиб кетган экан. Бундан кейинги ишлар эса, техникага боғлиқ. У асбобларни керакли томонга буради ва нишон экранда яна намоён бўлди. Комсомол Д. Болотовга машқ пайтида машгулот раҳбарининг бошқа топшириқларини ҳам бажаришга тўғри келди. Аммо бу топшириқларнинг бирортаси жангчининг эсанкиратиб қўюлмади. У қўшимча мутахассисликда ҳам ўзининг асосий вазифаси каби аъло даражада ҳаракат қилди. Машқ якуни чиқарилаётганда катта бошлиқ шу ҳақда таъбирди.

Танклар

елиб боради

Шу кун об-ҳаво контроль машгулот раҳбарларининг

хурсанд қилди. У қийин вазиятда механик-ҳайдовчиларнинг маҳоратини тешириб қўриш, уларнинг ўтган таълим даражаси олган билимларини аниқлаш имкониятига эга бўлганди. Машинани бошқариш бўйича наватдаги имтиҳон топширувчиларга эса кучли шамол, полгон устида кўтарилаётган нагтўзон белгиланган топшириқни бажаришларини анча қийинлаштирарди.

Сержант Анатолий Иващенко биринчи бўлиб танкни белгиланган маррага олиб чиқди. У оғир машинани мураккаб маршрут бўйлаб олиб ўттичи керак эди.

Танк чаг-тўзон қўтариб, жойидан қўзғолди. Механик ҳайдовчи атрофни диққат билан кузатиб борарди. Машини тезлигини пайсатирмай дастлаб биринчи, сўнгра иккинчи тўсиқдан ўтиб олди. Олдинда эса чуқур изли қўприк турарди. Қўприга меха-

ник-ҳайдовчилар ана шу тўсиқдан ўтти пайтида бир мунча хатоларга йўл қўриб, қимматли нагтларини йўқотардилар. Сержант А. Иващенко ҳам шу тўсиқдан ўттишда қўри марта қийналган. Аммо бу олдинги гаплар. Шундан бери машина бошқариш бўйича бир қанча машқлар бўлиб ўтди. Дадиллик пайдо бўлди. Илғор механик-ҳайдовчи тўғри йўналиш ва тезлигини танлаб, бирорта ҳам хатога йўл қўймаган ҳолда бу тўсиқдан ҳам ўтиб олди. Танк белгиланган маррага қайтиб келганда теширувчи қўлидаги секундомер нормативдан анча ўзиб кетилганини кўрсатиб турарди. Бўлима ҳисобида биринчи аъло баҳо пайдо бўлди. Унга бўлимининг энг яхши механик-ҳайдовчиси сержант Анатолий Иващенко эришди.

Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи.

(ЎЗТАГ).

ДАСТЛАБКИ

ҒАЛАБА

Львов шаҳрида футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар УЕФА турнирининг дастлабки учрашуви ўтказилди. Мамлакатимиз терма командаси Польша терма командаси билан куч синашди. Дастлабки дақиқадан ҳужумкорликка зўр берган ўсмирларимиз 3:0 ҳисобида ғалабани қўлга киритдилар.

Муваффақиятини таъминлашда республика олий спорт мактабининг ўқувчиси М. Қосимовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ўсмирларимиз жавоб матчида келгуси йили апрел ойида Польшада ўтказиладиган учрашув натижасига қараб УЕФА турнирининг 16 қатнашчидан бири аниқланади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/Х да Дон Карлос, 24/Х да Оқшук кўли. ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/Х да Асрга татигилли кун, 24/Х да Юлдузлар.

МУЖИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/Х да Чарогон-дир кўйда юлдузлар, 24/Х да Паранжи сирлари.

КИНО

23 ОКТАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «ҚОТИЛЛИКДА ҚАТНАШ-ГАНЛАР» — Санъат саройи (катта зал, 18.40, 21.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), Чайка (17, 18.45, 21.00; телефон 77-06-20), Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 75-54-39). «БОЛАЛАР БОҒЧАСИ» — Санъат саройи (кичик зал, 17, 20.00). «ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Нукус (19, 20.40), Дружба (ҳар соатда), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда). «ХИТОЙ СИНДРОМИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да). «КИМ ВА ҚАНДАЙ» — Восток (16, 18.30, 21.00), Тинчлик (16, 18.30, 21.00). «КОЛТИН ЛАНГАР» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), Ли-сунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02). «ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда, телефон 24-22-66). «ТОШЛОҚДА ҲАМ ДАРАХТ УСАДИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (16, 18.30, 21.00).

24 ОКТАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «ҚОТИЛЛИКДА ҚАТНАШ-ГАНЛАР» — Санъат саройи (катта зал, 10.40, 13, 15.20, 18.40, 21.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), Чайка (11, 13, 15, 17, 18.45, 21.00; телефон 77-06-20). «БОЛАЛАР БОҒЧАСИ» — Санъат саройи (кичик зал, 11.30, 14, 17, 20.00). «СЕВИГ АФСОНАСИ» — Ватан (18, 21.00). «ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Нукус (12, 15, 17, 19, 20.40), Дружба (ҳар соатда), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатда). «СОҚЧИ» — Қозғиргон (соат 12.00 дан бошлаб 21.00 гача, ҳар соатда). «ХИТОЙ СИНДРОМИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта «ИРТИҚИ ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг гастроллари (19.30).

«ЮБИЛЕЙ»

МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА СССР Биринчилиги учун Биринчи лига командалари ўртасида

ХОККЕЙ

25-26 октябрь соат 17.00 да

«ВИНОКОР» (Тошкент) — «СИБИРЬ» (Новосибирск)

Билетлар «Юбилей» марказий спорт зали нассасида сотилмоқда.

Справалар олий учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77 — администратор; 46-03-12, 46-70-31 — касса.

Тошкент шаҳар Ҳамза районидagi 156-ўрта мактаб томонидан Юлдашева Зумрад Анваровна номли берилган 730801 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Н. К. Крупская номли республика мактабгача тарбия педагогика билим юрти томонидан Комлева Клара Откуровна номли берилган 338284 номерли йўқолган

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Халқ депутатлари Киров район Советининг ижроия комитети «Обод» маҳалла комитетининг раиси Собир Усмоновнинг вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилди.

реклама эълонлар реклама

ТЕЗ
ВА ТОЗА

ЭЛЕКТР УСТАРА ҲАР КУНГИ СОҶОЛ ОЛИШДА ВАҚТИНИ ТЕЖАЙДИ. САҒАРГА ВОРҒАНИНГИЗДА, У ПОРТФЕЛДА ЕКИ СУМКАДА БУЛСА, АЙНИ МУДДА!

«ХАРЬКОВ-33» узайтирилган конструкцияли блок, катталаштирилган қирқувчи қўтаришчи тарондан иборат. Корпусда электр токни ёқиб ва ўчирадиган мослама бор. Баҳоси (металл ғилофлиги) — 20 сўм.

«МИКМА» (Москва) — ҳаракатланувчи лочоқчаси олдинга сурилиш ва қайтиш асосида ишлайди. Майин қирқувчи система-си (пружина остидаги ҳаракатланувчи лочоқ-нафис тўр) соқоли тоза ва тез олади. Баҳоси — 28 сўм.

«ЧАЙКА» (Ленинград) — устаси ҳам ниҳоятда қўлайдир. У ишлатилган сари ўзи чархланади. Пичоқчали блок 5 хил ҳолатда ўрнатилган бўлиб, шундан 4 таси қирқади, бешинчиси эса пичоқчаларни тозалаш туради. Баҳоси — 16 сўм 50 тиини.

«ДРУЖБА-М» (Ленинград) — қирқувчи блок ҳаракатсиз ишловчи, нафис пичоқчалардан иборат бўлиб, тўри талай тешикчалар ва устара блокидан иборат. У электрмагнит тебраттичдан қувватланиб ишлайди. Қирқувчи блок кенг қамровли таросимон пичоқчалардан иборат. Баҳоси — 17 сўм.



«НЕВА-201» (Ленинград) — қирқувчи блок ҳаракатсиз ишловчи пичоқчалардан иборат. Соқоли тоза олади. Баҳоси — 23 сўм. «СПУТНИК» (Ленинград) — пружинали механизмдан қувват олиб ишлайди. Сағарда, олис манзилларга борганда қўл келадир. Баҳоси — 6 сўм. «БЕРДСК-8» — иккинчи «сузувчи» пичоқчаси бор. Соқоли сифатли олади. Чекка сочлар, со-

қол ва мўйловни текислашга мўлжалланган. Баҳоси — 20 сўм. ВОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА АНА ШУ МАРКАЛАРДАГИ ЭЛЕКТР УСТАРАЛАР СОТИЛМОҚДА ГҲМ (телефон 42-27-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ
ВА ТУРАР-ЖОЙ ЭҒАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЕНГИНДАН МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ ВА ШАҲАР КҲН-ГИЛЛИ ЭТ ҲИРИШ ЖАМИЯТИ КҲЗГИ-ҚИШКИ ИСИТИШ МАВСУМИДА ЕНГИН ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИН ЭТИШ МАҚСАДИДА ЕНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИШ ЗАРУРЛИгини ЭСЛАТИБ ЎТАДИ

Иситиш мавсуми бошланишидан олдин барча печлар ва бошқа иситиш асбоблари синчковлик билан текширилиши ва ремонт қилиниши лозим. Носоз иситиш қўрилмалари, печлар ва дудбуронлардан фойдаланишга йўл қўймаслик зарур; печларни газ билан ишлаганга мослаштириш ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланиш «Газ ҳўжалигида хавфсизлик қойдалари»га мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Меҳмонхоналарда, ётоқхоналар ва маъмурий муассасаларнинг биноларида вақтинчалик печлар ўрнатилганга йўл қўйилмайди;

дудбуронлар ва мўрқонларни қурумдан тозалаш иситиш мавсуми бошланишидан олдин ва бутун иситиш мавсуми давомида ҳар уч ойда бир марта амалга оширилиши шарт. Домий ишлаб турган печлар ва ўчоқлар учун дудбуронларни тозалаш вақти икки ойда бир марта белгиланади;

ёнувчан ёки қийин ёнадиган пол устига ўрнатилган ҳар бир печь ёнига ҳажми 70х50 см. келадиган тунука парчаси тўшалиб маҳкамланиши керак;

меҳмонхоналар, ётоқхоналар ва маъмурий муассасаларнинг биноларида печлар ана шу мақсадлар учун бириктирилган, иситиш асбобларидан фойдаланиш вақтида ёнғин хавфсизлиги қойдаларини билувчи ва уларни қатъий бажарувчи махсус кишилар томонидан ёқилиши лозим.

Меҳмонхоналар ва ётоқхоналарда печлар у ерда яшовчиларнинг уйкуга кетишидан камда икки соат олдин (маҳаллий вақт билан 21.00 да) тўхтатилиши лозим;

тутун чиқиб кетиш каналлари ўтган болохоналарда барча мўрқонлар ва деворлар оқланган бўлиши шарт;

иситиш асбоблари ва дудбуронларнинг сиртки юзаси чанг ва бошқа қурумдан мунтазам тозаланиб борилиши керак;

қаттиқ ёқилганда ишловчи қозон қўрилмаларининг тутун қарнайлар пухта учқун сўндирчи материаллар билан жиҳозланиши ва улар қурумдан тозаланиб турилиши лозим.

Қозон қўрилмалари ўрнатилган хоналарда қуйидагилар ман қилинади:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашри. тининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент ўҳри.


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

70083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32.55, 37, 32.53.83; санаят ва қурилиш — 32.57.84; шаҳар ҳўжалиги ва транспорт — 32.55.39; фан ва маданият — 32.53.10; ахборот ва спорт — 33.28.95, 32.55.32; хатлар — 33.29.70; мамоатчилик редакцияси — 33.99.42, 32.53.66; эълонлар бўлими — 33.81.42.